



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 21 январь, № 13 (9184)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СПОРТНИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 20 январь куни спорт соҳасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар, йирик мусобақалар натижалари ҳамда 2026 йил учун мўлжалланган вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, спортда яхлит тизим яратилгани ўзининг амалий натижаларини бера бошлади.

Аҳолининг оммавий спорт билан қамрови 15 миллион нафарга етди, спорт билан доимий шуғullanувчиларнинг сони сўнгги йилларда қарийб 1,5 баробарга ошди.

Ўтган йили ёшларимиз жаҳон универсиадасида 13-ўрин, Баҳрайндаги Осиё ёшлар ўйинлари ва Саудия Арабистонидаги Ислам бирдамлиги мусобақасида 2-ўрин, БААдаги Ёшлар Параосиё ўйинларида 1-ўринни эгаллади.

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди, жорий йил шахматчимиз Жа-воҳир Синдоров эса “Жаҳон тожи” учун номзодлар турнирида иштирок этади.

Шу билан бирга, бу натижалар билан чекланиб қолмаслик, мавжуд имкониятлар ва яратилган шароитлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Айрим спорт турлари бўйича натижалар ҳали мавжуд инфратузилма ва салоҳиятга тўлиқ мос келмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Энг аввало, оммавий спорт билан шуғullanувчиларнинг сони яқин истиқболда 17 миллион нафарга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Халқаро спорт ўйинлари ва Олимпиадалар учун муносиб заҳира яратиш мақсадида ташкил этилган Президент Олимпиадаси орқали очик ва шаффоф селекция тизимини йўлга қўйишни давом эттириш муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Биринчи мусобақада 103 минг нафар спортчи иштирок этди, финал босқичида 11 та спорт тури бўйича 3 мингдан ортик

спортчилар 135 та олтин, 134 та кумуш ва 227 та бронза медали учун беллашди. Эндиликда мусобақаларни йилига 2 марта ўтказиш ва ҳудудларда 13-14 ёш тоифасида ташкил этиш, спорт турларининг сони-ни босқичма-босқич 20 тага етказиш топширилди.

Шунингдек, ўтган йили Олимпия шаҳарчаси ва Миллий футбол маркази фойдаланишга топширилгани спорт соҳасида муҳим тарихий воқеа сифатида қайд этилди. Ҳозирги кунда Олимпия шаҳарчасига 17 та олимпия спорт федерацияси ва бошқа спорт ташкилотлари кўчиб ўтган. Энди ушбу мажмуалар ўзбек спортининг миллий тимсоли ва ягона кластерига айланиши лозимлиги таъкидланди.

Спорт соҳасини янада ривожлантиришда илмий ёндашувни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, юқори спорт натижаларига эришиш нафақат инфратузилма ва мусобақалар, балки спорт фанининг барча йўналишларини тизимли ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу борада спорт фармакологияси, диетология, функционал ва жисмоний тайёргарлик, реабилитация ҳамда юктамаларни индивидуал режалаштириш бўйича замонавий ёндашувларни амалиётга кенг жорий этиш вазифалари белгиланди. Илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, спорт соҳасидаги илгор ишланмалар ва сўнгги тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, миллий ва халқаро даражада илмий анжуманлар ва конференциялар ўтказиш орқали тажриба алмашинуви кучайтириш муҳим экани таъкидланди.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ҳамда соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда, аввало, ўткир юрак-қон томи ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Рехага кўра, “Stent for Life” ва “Action Plan for Stroke” халқаро дастурлари асосида ишлаб чиқилган “Инфаркт ва инсультга қарши курашиш” миллий дастури 2026 йил 1 майдан бошлаб Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, 1 октябрдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида, 2027 йилдан эса бошқа ҳудудларда амалиётга жорий этилади.

Миллий дастур доирасида 30 ёшдан ошган аҳоли ўртасида сўрвонмома ўтказиш ҳамда натижасига кўра аниқланган хавф гуруҳига мансуб фуқароларни мақсадли тиббий текширувлардан ўтказиш ҳамда беморларга шошилич тиббий хизмат кўрсатиш алгоритмлари ва клиник маршрутларини амалиётга жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, мажкур касалликларда шошилич тиббий ёрдам кўрсатишда халқаро стандартларга мувофиқ “олтин соат” тамойилларнинг вақт меъерлари жорий этилади.

Тақдимотда тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник ва рақамли имкониятларини кескин оширишга қаратилган чоралар ҳам келтирилди. Бригадалар телеметрик электрокардиограф ва мониторинг дефибриляторлар билан таъминланади. Шу жумладан, ЭКГ натижаларини сўний интеллект ёрдамида таҳлил қилиш ва ахборот тизими орқали юбо-

риш, шунингдек, тез тиббий ёрдам бригадалари ва шифохоналар ўртасида реал вақт режимида маълумот алмашиш жорий этилади.

Стационар тиббиёт муассасаларида инсультни сўний интеллект асосида ташхислаш имконияти яратилиб, беморларнинг ҳаракат маршрути рақамлаштирилади. Шифохоналар эса шошилич ҳолатларда жароҳлик амалиётларини ўтказиш учун тромб эритувчи дори воситалари ҳамда зарур сарфлов материаллари билан таъминланади.

Шошилич стационар тиббий хизмат кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш, ўткир юрак-қон томи ва бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиш ҳолатларида кўрсатилган тиббий хизматлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилади.

Миллий дастур доирасида “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимида беморлар ҳамда хавф гуруҳидаги аҳолининг электрон реестри юритилиши таъминланади.

Аҳоли ўртасида профилактика ва тарғибот ишларига ҳам алоҳида ургу берилди. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ижтимоий роликлар, инфографика, анимация ва қисқа метрахли видеороликлар тарқатиш, бозор ва савдо марказлари яқинида билборд ва баннерлар жойлаштириш, таълим муассасалари, корхона ва маҳаллаларда инфаркт ва инсульт аломатларини барвақт аниқлаш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган.



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ҲАЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев рақамли технологияларни ривожлантириш соҳасида эришилган натижалар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган тақдимот билан танишди.

Тақдимотда сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва инновацион экотизимни шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хорижий экспертларнинг таҳлилларига кўра, 2024-2025 йилларда мамлакатимиздаги стартап ва венчур экотизимнинг умумий қиймати 3,9 миллиард долларга етди. Маҳаллий стартапларнинг сони 750 тадан ошди. Ҳозирги кунда 15 та венчур фонд фаолият юритмоқда,

венчур капитал ҳажми эса 180 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистон дунёдаги иккинчи энг тез ўсаётган ва Марказий Осиёдаги энг тез ривожланаётган стартап экотизими деб эътироф этилмоқда.

Тақдимотда 2030 йилга қадар стартапларнинг сони 5 мингтага, экспорт бозорларига чиққан стартапларнинг сони 200 тага етказиш, венчур инвестицияларнинг ҳажмини 2 миллиард долларга олиб чиқиш мақсад қилингани таъкидланди.



САМАРАЛИ ДИПЛОМАТИЯ МАКТАБИ

Президентимизнинг ташқи алоқаларга доир ташаббуслари туфайли Ўзбекистон халқаро сиёсатнинг янгича моделини яратмоқда



■ Нигоҳ

Айни вақтда дунёда мисли кўрилмаган тебранишлар юз бермоқда. Яқиндагина ўзгармас ва гўё келгуси ўйилликлар учун ҳам қафолатлангандек бўлиб туюлган қондалар энди бошқача тус олмоқда. Можаро ҳамда қарама-қаршилиқлар эса кибертахдид ва ноаниқликлар сабаб кучайиб борапти. Давлатлар бундай мавҳумликни технологияларнинг шиддат билан ўсиши, сўний интеллектнинг тўлқинли равишда жорий этилиши мисолида ҳис қилмоқда. Махсулот етказиб бериш занжирлари узиляпти, илгари самарали ишлаб турган транспорт йўлакларидан фойдаланиб бўлмай қолди. Глобал иқтисодиёт эса борган сари “домино эффекти”га дуч келиб, маҳаллий миқёсдаги инқирозлар бирдан халқаро инқирозга айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бугунги кунда дунёда яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар содир бўла-

ётганини, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали бир вазият юзгага келганини алоҳида қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Иордания Хошимийлар Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Демия Зухейр Ҳаддод билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги дўстона, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва парламентлараро алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Парламентлараро муносабатларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Иордания парламенти мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда ҳам Олий Мажлис давлат ва жамият тараққиётига қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватлашда ҳамда қонунчилик жиҳатдан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу муносабат билан парламентлар ўртасида мулоқот-

ни кенгайтириш, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва бошқа соҳаларда тажриба алмашишдан манфаатдорлик билдирилди.

Учрашувда шу йил 3 — 7 февраль кунлари Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги парламенти Мажлиси ал-Аъян раиси Файсал Акиф Мисқал Ал-Файез бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Иордания парламенти Сенати ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш режалаштирилгани қайд этилди.

Шунингдек, икки давлат ўртасида рақамли тиббиётни ривожлантириш, олий таълим, технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Иордания ва Ўзбекистон биринчи бизнес форумини ташкил этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.



Бундай янги воқелик фонидида ҳатто энг юқори халқаро минбарлардан ҳам хавотирли хабарлар янграмоқда. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш дунёдаги етакчиларни қаттиқ танқид қилиб, улар халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузган ҳолда халқаро ҳамкорлиқни ажал ёқасига олиб келаётганини айтди. Бош қотиб ўзининг йиллик ҳисоботида 2026 йилга мўлжалланган устуворликлар ҳақида гапирар экан, аниқ бир давлатларни санаб ўтмаган бўлса-да, дунё “геосиёсий бўлинишлар ва халқаро ҳуқуқнинг мисли кўрилмаган бузилиши” туфайли парчаланаятганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, халқаро ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлган бир шароитда давлатлар ҳамкорликка ва унга сармоя киритишга тайёр эмаслигини намоён этмоқда.

Шундай шароитда энг йирик халқаро ташкилотларнинг роли ҳам сезиларли даражада пасайди. Улардаги таъсир воситалари замонавий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга

ўз вақтида эътибор қаратишга ожизлик қилмоқда. Давлатларнинг тинчлиги омонат бўлиб қолди. Янгиланган тасмасида кўрсатилганидек, қўчалардаги тартибсизликлар эса деярли об-ҳаво маълумотига ўхшайди. Дунё харитасида барқарорлик ва тарққиёт ҳўми сураётган минтақани топишининг ўзи амримаҳол бўлиб қолди. Бундай манзарани кузатган одамларда дунё гўёки ақлдан озгандек таассурот уйғотмоқда.

Инсониятга донишмандлик, чидам ва ўзини қўлга олиш қобилияти, тўғри сўзни айтиш ва ундан ҳам муҳими — суҳбатдошини тинглаш, ўз манфаатларини илгари суришда бошқаларга зиён етказмаслик сингари ҳислатлар етишмай қолдики деб ўйлаб қоласан, киши. Роботлар ва космик технологиялар даврида сиёсатчилар, “тақдирни ҳал қилувчилар” гўё тенг шароитларда ҳамда ўзаро манфаатли мулоқот олиб бориш, бошқалар фикрини ҳам ҳурмат қилиш, келишувчанликка тайёр бўлиш каби қадриятларни унутиб қўйишгандек.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, фитосанитар зарарсизлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини самарали ҳимоялаш, “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш, мамлакатимизга халқаро онлайн тўлов компанияларини жалб қилиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг судларга мурожаати учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга доир қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фармацевтика соҳасида технологиялар трансфери кенг қўлланади

Мажлисида дастлаб “Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, юқори талабга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюм-

ларни маҳаллийлаштириш, аҳолини сифатли ва арзон махсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини халқаро меъонлар даражасида тартибга солиш, ҳужайра технологияси асосидаги биотехнология воситаларини ишлаб қиришни жорий этиш белгиланмоқда.



СПОРТНИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Шу билан бирга, спорт соҳасини ривожлантиришга ҳусусий сектор ва инвесторларни кенг жалб этиш, спорт инфратузилмаси, тайёргарлик марказлари ва спорт хизматлари бозорида инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш кераклигини айтилди.

Ёшларни оммавий спортга жалб этишда спорт мактабларининг маҳаллаларгача кириб боришини таъминлаш, иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Жорий йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган халқаро спорт тadbирлари ҳақида ахборот берилди.

Хусусан, Бутунжаҳон сузиш федерацияси Ижроия бюроси йнгилиши, Марказий Осиё минтақавий антидопинг ташкилоти (RADOCA) йнгилиши ва халқаро форум, шунингдек, Осиё олимпия кенгашининг 46-Бош ассамблеясига мезбонлик қилиш режалаштирилгани қайд этилди.

Осиё олимпия кенгаши 1982 йилда ташкил этилган бўлиб, Осиё қитъасида олимпия ҳаракатини мувофиқлаштиради ва 45 мамлакат миллий олимпия қўмитаси унга аъзо ҳисобланади. Бош ассамблея доирасида Осиё олимпия ҳаракатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда кенгаш президенти лавозимига сайлов ўтказиш кўзда тутилган.

Мазкур тadbирларда Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё олимпия кенгаши, WADA, халқаро спорт федерациялари раҳбарлари

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Шунингдек, “Angels Initiative” халқаро ташаббусининг “FAST Heroes” дастури асосида мактаб ўқувчилари учун махсус машғулотлар ташкил этилади. Ҳар йили 29 сентябрь — Бутунжаҳон юрак куни ва 29 октябрь — Бутунжаҳон инсультга қарши курашиш куни муносабати билан бепул қон босими, қанд ва холестерин кўрсаткичларини ўлчаш, аҳолининг шошилич ёрдам кўрсатиш бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тadbирлар ўтказилади.

Дастурни молиялаштиришга 2026 йилда 239 миллиард сўм, 2027 йилдан бошлаб 280 миллиард сўм ажратилиши таъкидланди.

Тақдимотда, шунингдек, 2026 — 2030 йилларда қон билан ишлаш хизматини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар қўриб чиқилди.

Қон маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани инобатга олиниб, хизмат имкониятларини кенгайтириш ва дарволаш муассасаларининг қон ҳамда қон маҳсулотларига эҳтиёжини тўлиқ таъминлашга қаратилган мақсадли чора-тadbирлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида ҳар минг нафар аҳолига қон топиришларнинг (донациялар) сонини 10 тадан 30 тагача ошириш, жами донацияларнинг сонини 1 миллионга тагача кўпайтириш орқали тайёрланадиган қон захирасини 150 минг

литрдан 450 минг литрга етказиш, бегараз қон донорларининг сонини 300 минг нафардан 900 минг нафарга етказиш мақсад қилинган.

Етакчи халқаро тажриба асосида қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стандарт операциялар жараёнлар, хавфсизлик баённомалари ҳамда замонавий скрининг усуллари жорий этилади. Шу билан бирга, қон хизмати тизими ходимларининг касбий билим ва кўникмалари оширилади, моддий-техник базаси мустаҳкамланади ҳамда бегараз донорлик ҳарақати қўллаб-қувватланади.

Қон билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш учун “эҳтиёж — қайта ишлаш — етказиш” занжирда жараёнларни бошқариш тизими жорий этилади.

Рақамли платформа доирасида “Қон маҳсулотлари электрон хисовини юритиш” ахборот тизими жорий қилиниб, қон ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини назорат қилиш, шошилич тиббий ёрдам билан интеграцияланган ҳолда буюртма бериш, муассасаларнинг захирасини онлайн мониторинг қилиш имконияти яратилади.

Қон билан ишлаш хизматини молиялаштириш учун 2026 йилда 308 миллиард сўм, 2026 — 2030 йилларда эса соҳани такомиллаштиришга жами 1,75 триллион сўм назарда тутилгани қайд этилди.

Тақдимотда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар ва клиникалар фаолиятини ўрганиш натижалари ҳақида ахборот берилди.

Ишчи гуруҳлар 2025 йил сентябрь — декабрь ойларида 37 та республика даражасидаги тиббий маркази ва клиника фаолиятини комплекс ўрганиб, қатор ташкилий ва бошқарув камчиликларини аниқлаган. Уларни бартараф этиш учун 27 та банддан иборат чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, у тиббий хизмат сифатини ошириш, ҳудудлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, кадрлар салоҳияти ва илмий тадқиқот фаолияти, молиявий интизом ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини қамраб олади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ҳорижий экспертларни жалб этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни режалаштириш ва миллий лаборатория тизимини ислоҳ қилиш бўйича техник шартлар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур чора-тadbирларни амалга оширишда 25 та халқаро ва 19 та маҳаллий эксперт-ни жалб қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, Республика онкология маркази ва унинг ҳудудий филиалларини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимот қилинди.

2021 йилда Ислom тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш (II босқич)” лойиҳаси доирасида марказнинг янги мажмуаси ва унинг 13 та филиали учун жами 61 миллион долларлик 119 турдаги тиббий ускуналар харид қилинган. Яна 5,6 миллион доллар ҳисобига қўшимча 5 турдаги ускуналар харид қилиниши назарда тутилган.

Бунга қўшимча равишда жалб қилинадиган 10 миллион доллар ҳисобидан марказ учун 80 турдаги 1027 донa тиббий жиҳоз, шунингдек, радиофармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган циклотрон ва радиосинтез лабораториясини харид қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Фармацевтика тармоғи ҳозирда санaтoмизнинг юқoри суръатларда ўсиб бoраётган йўналишларидан бирига айланмоқда. Бугунги кунда тармоқда 2,3 миллиард долларлик 156 та лoйиҳa амалга oширилмоқдa, 2025 йилда 362 миллион долларлик ҳoрижий инвестициялар ўзлаштирилди ҳамда 2,4 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Сенат қўмиталарида

ИНСОН ҚАДРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР МУҲОКАМАСИ



Олий Мажлис Сенати қўмиталарида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган лойиҳаси, қатор қонунлар ва муҳим масалалар муҳокамалари бўлиб ўтмоқда.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида мамлакат тараққиётининг янги босқичидаги устувор йўналишларни белгилаб берувчи “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Сенаторлар ва экспертлар иштирокида бўлиб ўтган муҳокамада таъкидланганидек, 350 дан ортиқ давлат органлари ва илмий марказлар таклифлари асосида такомиллаштирилган ушбу лойиҳа аввалги стратегиялардан ўзининг аниқ натижадорлиги ва рақамлаштирилган мезонлари билан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ҳужжатдан баҳолаб бўлмай-диган 130 та умумий шиор ва вазифалар чиқариб ташланди. Эндilikча ҳар бир мақсад “Инсон қадри учун” тамойили асосида йиллар кесимида тақсимланган бўлиб, 60 га яқин вазирлик ва идоралар фаолияти алоҳида самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланиши белгиланди.

Шунингдек, қўмита мажлисида стратегик мақсадларни ҳудудий

дий даражада амалга оширишнинг узвий давоми сифатида Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманини тугатиш ҳамда Оқдарё, Пастдарғом, Тойлок туманлари ва Самарқанд шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қадим кентни “миллионли шаҳар”га айлантириш, замонавий архитектура ечимларига эга тураржой ва но-тураржой биноларини қуриш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўла қондириш, ҳудудларни инфратузилма билан таъминлаш орқали аҳолига муносиб яшаш шароитини яратиш мақсадида ушбу туман тугатилмоқда.

Чегаралар ўзгартирилиши ҳисобига Самарқанд шаҳри ҳудуди 11,8 минг гектардан 28,9 минг

гектаргача кенгайиб, янги инвестиция ва қурилиш лойиҳалари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шаҳарнинг кенгайган ҳудудига янги туристик лойиҳалар, ўйин майдонлари, акватория, ҳаво шарлари, истироҳат боғлари каби қўнғичлар туризм ва дам олиш масканлари ташкил этилиши, яшил ҳудудлар ва хизмат кўрсатиш объектилари ҳамда логистика марказлари қурилиши режалаштирилган.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур ислохотлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “одамларни ҳаётдан рози қилиш” тамойилининг амалий фодаси сифатида Самарқанднинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Сенатнинг Суд

қўрсаткичларини белгилаш жуда муҳим экани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда қўмита аъзолари томонидан “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Унда суд-экспертлик фаолияти суд ишларини ҳар томонлама, ҳолис ва адолатли кўриб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидланди. Чўнки суд экспертизаси ҳулосаларининг илмий асосланганлиги ва ишончлилиги суд қарорларининг қонуний, асосли ҳамда адолатли қабул қилиниши учун муҳим шарт ҳисобланади. Бу эса қонунга фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида қараш лозимлигини таъкид қилади.

Шу муносабат билан ушбу ҳужжатда ҳудудий суд-экспертиза муассасаларида экспертиза турларини кенгайтириш, нoдавлат суд-экспертлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда суд экспертларининг мустақил фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий механизмларни жорий этиш назарда тутилган.

Мажлис йқунида қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

МУРОЖААТНОМАДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати

Сенаторлар, ХДП вилоят кенгаши вакиллари, мутахассислар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва мамлакатимиз халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор вазифалар шунингдек, уларни амалга оширишда вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ҳақида фикрлашилди.

Давра суҳбатига сенатор Малика Қодирхонова Мурожаатномада қўтарилган долзарб масалаларга тўхталиб, давлат дастурлари ва ислохот-

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар, вазирлик ва идоралар масъуллари, қўмита экспертлари, Ёшлар парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари аъзолари иштирок этган йиғилишда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Муҳокама

Таъкидланганидек, қонун билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кенгайтирилмоқда.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт субъектлари қаторига Спорт вазирлиги,

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси киритилмоқда ҳамда уларнинг қўшимча ваколатлари белгиланмоқда.

Қонун билан паралимпия, сурдлимпиада, махсус олимпия ва кўзи охижлар спортни ҳаракатларига доир нормалар, спорт федерациялари, спорт клублари ва спорт лигаларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолият юритиш тар-

тиби, уларни реестрга киритиш ва чиқариш мезонлари аниқлаштирилмоқда. Шу билан бирга, мурабий, спорт ҳаками ва спорт агентининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланмоқда. Бундан ташқари, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби янада такомиллаштирилиб, мусобақалар натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишга қарши курашиш юзасидан янги меъёрлар киритилляпти.

Қонунда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва тadbирларни тизимли ўтказиб бориш белгиланиб, спортчи ва мурабийлар давлат томонидан бир марталик ҳамда ойлик тўлов шаклида қўллаб-қувватланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

